



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

LABOUR ECONOMICS AND
HUMAN CAPITAL 2024
TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ECONOMICS

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMIC

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

**LABOUR ECONOMICS AND
HUMAN CAPITAL**

scientific electronic journal

2024 yil 2-son

Volume 8, Issue 2, 2024

ONOMICS AND
PITAL 2022

TATE UNIVERSITY

LABOUR LABOR ECONOMICS LIFE EXPECTA

LIFE EXPECTANCY QUALI

HUMAN CAPITAL HUMA

APITAL HUMAN CAPITAL INDEX QUALITY OF EDUC

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION

HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL INDEX QUALITY



**МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI
VA INSON KAPITALI**
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИҚТISODIYOTI VA INSON KAPITALI

№ 2-2024

**ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ**

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmiymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog‘lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:

(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:

(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadjiyevich, i.f.d., prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d., prof.
Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:

(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Keynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

G.K.Abduraxmanova S.P.Qurbonov	<i>Aholining umumli bandlik darajasini oshirishning gender xususiyatlari</i>	6-15
S.B.G'oyipnazarov S.M.Kurbanbayeva	<i>Yashil malakalar: mehnat bozorida rivojlanayotgan yangi yo'nalish</i>	16-26
F.X.Rustamov	<i>To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar va ta'lim xarajatlarining O'zbekistondagi bandlik darajasi bilan bog'liqligi</i>	27-36

INSON KAPITALI

D.Sh.Nishonov	<i>Ta'lim xizmatlari bozorining milliy iqtisodiyotning innovatsion rivojlanishiga ta'siri</i>	37-46
A.B.Irmatova D.I.Iskandarova	<i>Oliy ta'limda xotin-qizlarning liderlik ko'nikmalarini shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari</i>	47-58
B.A.Reyimberdiyev	<i>Internationalization strategy is the key for future success of higher education institutions</i>	59-67

KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH

A.B.Irmatova	<i>Aholi kambag'alligining konseptual yondashuvlari.....</i>	68-77
X.M.Madramov	<i>Kambag'allikni qisqartirishda mehnat resurslaridan samarali foydalanish omillari</i>	78-91

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

F.A.Doniyorova	<i>Современные вызовы руководителя</i>	92-101
M.Sh.Axmedov	<i>Kiyim ishlab chiqarish korxonalarida ishchi personalni boshqarishning motivatsion omillari tahlili.....</i>	102-110

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH

D.D.Alimova	<i>Xizmat ko'rsatish sohasida xo'jalik subyektlari faoliyatini boshqarish mexanizmlari</i>	111-124
H.O.Botirova	<i>O'zbekistonda ayollar tadbirkorligi: iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirish muammolari va imkoniyatlari</i>	125-134
X.Sh.Kaxramonov	<i>Сущность и особенности эффективного управления многоквартирным жилищным фондом</i>	135-144

N.N.Nabiyeva	<i>Markaziy Osiyo davlatlarida inflyatsiyaning iqtisodiyotga ta'siri</i>	145-151
B.A.Sharipov N.U.Xalimjonov	<i>An econometric analysis of FDI and trade in Uzbekistan</i>	152-160
S.K.Mansurov	<i>To'qimachilik klasterlarda zamonaviy texnologiyalarni joriy etish</i>	161-169



MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ISSN: 3030-3117

<https://laboreconomics.uz/>



ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Мансуров Саидхўжа Камалович

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

таянч докторанти

e-mail: said.mansurov1988@gmail.com

Orcid ID number: 0000-0003-0944-3142

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a98

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги кунда тўқимачилик кластерларнинг пахта етиштириш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичлари шунингдек халқаро рақобат муҳитида уларнинг бардошлилиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: глобал рақобат, тайёр маҳсулот, хом ашё, инновация, лазерли ускуна, субсидия, замонавий технология, дизайнер, 3D моделлаштириш, кимёвий моддалар, принтер технология, интеграция, работотехника, блокчейн, савдо платформа, бренд.

ВНЕДРЕНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ТЕКСТИЛЬНОМ КЛАСТЕРЕ

Мансуров Саидхўжа Камалович

Базовый докторант Ташкентский государственный

экономический университета

Аннотация: В данной статье на сегодняшний день показаны показатели использования инновационных технологий в выращивании хлопка и производстве текстильных кластеров, а также их толерантность в условиях международной конкуренции.

Ключевые слова: глобальная конкуренция, готовый продукт, сырье, инновации, лазерное оборудование, субсидия, современные технологии, дизайнер, 3D-моделирование, химикаты, принтерная технология, интеграция, работотехника, блокчейн, торговая платформа, бренд.

IMPLEMENTATION OF MODERN TECHNOLOGIES IN TEXTILE CLUSTERS

Mansurov Saidkhodja Kamalovich

Basic doctoral student of Tashkent

State University of Economics

Abstract: In this article, today indicators of the use of innovative technologies in cotton cultivation and production of textile clusters, as well as their tolerance in the environment of international competition are shown.

Keywords: Global competition, finished product, raw material, innovation, laser equipment, subsidy, modern technology, designer, 3D modeling, chemicals, printer technology, integration, robotics, blockchain, trading platform, brand.

Кириш

Тўқимачилик кластерларнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишда олимларнинг бир қанча таклифлари илгари сурилган. Маҳаллий олимларимиздан А.Солиев ва З.Хакимовлар мақолаларида “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” келтирилган.[1] Ушбу олимларнинг айнан ушбу ҳудудни танланишига вилоятнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажми юқорилигидадир.

А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сонг Бе “Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви” [2]. деб номланган монографияда кластерга назарий ва амалий ёндашувлар, маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда кластер моҳияти, хом ашёни қайта ишлашда ҳамда хорижий мамлакатлар, компаниялар ва маҳсулотлар кесимида эришилган натижалари мисоллар орқали ёритиб берилган. Шунингдек, Республикада ушбу хорижий тажрибалардан фойдаланиш бўйича бир қанча таклифлар келтирилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Америка олимлари М.Портер “Рақобат услунлиги назарияси” [3], М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар “минтақавий кластерлар концепцияси” [4], А.Маршалл “Саноат ҳудудлар назарияси” [5], П.Бекатин “Италян саноат огруглари назариялари”ни илгари суришган. [6] Т.Кононинг фикрига кўра, корхонани ишлаб чиқарган маҳсулот тури фақат бир турдаги маҳсулот билан чекланган бўлса, бундай корхона бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан чекланганлиги сабабли, ягона ихтисослашган корхона деб таъриф берган. Аксинча агар ҳар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бундай корхона диверсификациялашган корхона ҳисобланади. Бозор муносабатлари шаклланишига қараб корхона диверсификацияланишига ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланади.[7] Р.Питс ва Х.Хопкинс таърифида бироз бошқача жихатга амал қилиниб, диверсификацияни бир вақтнинг ўзида бир нечта бизнес турларини юритиш сифатида белгилайдилар.[8] Юқорида қайд этилган хориж олимларнинг назарияларида кластерлар бу рақобат устунлигини амалга оширишда юқори самара ҳисобланиб таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таъкидланади.

Гарвард университети профессори Майкл Портер илмий тадқиқот ишларида иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар саноатининг ривожланиши ҳамда жаҳондаги илғор санаот тармоқларининг ривожланишини таъкидлаб, рақобатбардош тармоқлар кластер

принципи асосида ривожланиши ҳамда кластерларнинг қўллаб-қувватланиши нафақат кластердаги компанияларнинг, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши асослаб берилган. [9]

И.Ансофф назариясига кўра, диверсификация-муайян корхонада мавжуд бўлган ресурслар фаолиятининг бошқа соҳаларига қайта тақсимлаш жараёнига қўлланиладиган атамадир. Бунда ишлаб чиқариш қувватларини оширган ҳолда янги технологияларга ўтиш, янги бозорларга кириш ва янги тармоқларга кириш имконияти билан боғлиқ. [10]

Кластер назарияси Россия олимлари Ю.С.Артомонова, Б.Б.Хурусталева [11] томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, амалиётга татбиқ этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган. Юқоридаги назарияларни яратилиши ва уларнинг амалий аҳамияти мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш ва юқори самарадорликка эришишни назарда тутди.

Тадқиқот методологияси

Изланиш давомида иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, хронологик кузатиш ва математик усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзу доирасида чоп этилган илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Халқаро глобал рақобат муҳитида саноат маҳсулотлар сифатини ўзгариши мамлакатлар иқтисодиётини интенсив тадқиқот усуллардан фойдаланишни тақозо этмоқда. Маълумки, жаҳон бозорларига сифатли кийим-кечак маҳсулотларни етказиб берилишида унга бевосита таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бу тўқимачилик корхоналарига замонавий инновацион технологияларни қўлланилиши билан боғлиқ. Бугунги кунда тўқимачилик саноатидаги ўсиш тенденцияси нафақат мамлакатимиз иқтисодиётини етакчи тармоғига, балки жаҳон тўқимачилик ҳамжамиятида ҳам ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда. Бу ҳақда ITMF (International Textile Manufacturers Federation) бош директори Кристиан Шиндлер шундай деган эди. “Жуда қисқа вақт ичида Ўзбекистон тўқимачилик саноати халқаро миқёсида рақобатбардош ишлаб чиқарувчи ва мақбул етказиб берувчига айланди. Энди Ўзбекистон эътироф этилган етказиб берувчи бўлиб, ўз тўқимачилик маҳсулотларини бутун дунёдаги харидорларга, айниқса халқаро бренд ва ритейларга етказиб бериш имкони мавжуд. [12]

Шубҳасиз, пахта тозалаш заводларини трансформациялаш жараёнларини амалга оширилиши оқибатида кластерларни ташкил топиши ҳамда қўшимча қиймат маҳсулотлар занжирини яратиш бўлди. Бунда кластерларни пахта экишдан чуқур қайта ишлаш ва тайёр босқичигача бўлган тизимини замонавий технологиялар билан таъминлаш саноат олдидаги устувор вазифалардан ҳисобланади.

Умуман олганда, хом ашё етиштириш ундан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда инновацион технологияларга эҳтиёж борлиги мужассамланади.

Бугунги кунда сув муаммоси дунёда тақчил бўлиб турган шароитда мамлакатимиз раҳбари Олий мажлис палатаси қўшма мажлисидаги нутқида барча соҳалар қатори экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигини олдини олиш бундан буён ҳам долзарб вазифа бўлиб қолиши алоҳида қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида пахта хом ашё етиштиришда хориж мамлакатлар тажрибаларини қўллаган холда инновацион технологиялардан фойдаланиш ва юқори унумдорликни оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ-5853 сонли фармони қабул қилинганлиги бўлди. [13] Фармонда пахта ерларини лазерли ускунагичлар билан текислаш технологияларни жорий этиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланган кластерларга давлат томонидан субсидия маблағлари ажратилиши белгилаб қўйилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги глобал рақобат шароитида нафақат сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга балки тайёр маҳсулот таркибидаги хом ашёни етиштиришда замонавий методларни қўллаш мамлакатимиз иқтисодиёти олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади. Бунда фермерлар томонидан хом ашё сифати ундан тайёр бўлган маҳсулотлар хорижий бозорларда рақобатбардош маҳсулотга айланиши ҳамда глобал иқлим шароитида соҳага инновацион илғор технологияларни жорий этилишни тақозо этмоқда. Бу борада пахта далаларида амалга оширилаётган ислохотлар сўнгги уч йилликда сезиларли тарзда ошганлигини гувоҳи бўламиз.

Ўзбекистон сув ресурсларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга қаратилганлиги инобатга олинса, бу борада сув муаммоси дефицит эканлиги, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш каби муҳим ишларни амалга оширишни тақозо этади. 2019 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шу жумладан давлат томонидан пахта етиштиришда сувни тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш бўйича субсидиялар ажратиш бўйича имтиёзлар қўлланилиб келинмоқда. Пахта етиштиришда замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида хориж мамлакатлар тажрибасини ўрганган холда мамлакатимизда томчилатиб, ёмғирлатиб ҳамда ерларни лазер ускунали ер текислагичлар билан текислаш технологияларни жорий қилиш устувор вазифаларга киради.



1-расм. 2023 йилда Вилоят кесимида тўқимачилик кластерлар томонидан сув тежовчи технологияларни жорий қилиниши

Манба: “Пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмачи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Расмда 2023 йилда жами кластерлар сони 142 тани ташкил қилганлигини эътиборга олиб, уларга пахта етиштиришда жами 972,9 минг гектар ер майдонлари шундан, 163,0 минг гектар томчилатиб суғориш технологиялар асосида пахта хом ашё етиштирилган. Бу умумий ер майдонининг 16,7 фоизини сув тежовчи технологиялардан фойдаланиб келинаётганлигидан далолат беради. Аммо бу хали ижобий кўрсаткичлар саналмайди.

Бугунги кунда амалда умумий пахта етиштириш ер майдонининг 16,7 фоизни сув тежовчи технологиялар қамраб олинганлигини инобатга олинса пахта ер майдонларининг қолган қисмларида сув тежовчи технологияларга давлат томонидан кредит ва субсидия маблағлари босқичма-босқич бериб борилаётганлиги ва яқин йилларда фермерлар томонидан пахта суғоришнинг ана шундай замонавий технологияларга ўтилиши хом ашёни сифатига, исрофгарчиликни олидини олишга, фермерларнинг бюджетига қолаверса мамлакат иқтисодиёти ва аҳолини ичимлик сувига бўлган талабини қондирилишига олиб келади.

Хориж тажрибаларни ўзлаштирган холда мамлакатимиз пахта ер майдонлари ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш мақсадида махсус техникалар ёрдамида ер текислаш ишлари амалга ошириб келинмоқда. 2023 йилда Республика бўйича жами 238,3 минг гектар майдонларда лазер ускуналар билан ишлов берилди. Жами 113 та кластерларда шундай замонавий технологиялар жорий этилди. Хорижда ишлаб чиқарилган замонавий техника ва технологиялар ёрдамида 350 минг гектар ер майдонлари лазер

текислагичлар билан текисланиб, ўртача хосилдорлик 2017 йилга (24,2 ц/га) нисбатан 10 ц/га га ёки 40 фоизга ошди. (2022 йил 34 ц/га). Буларнинг барчаси лазерли текислагичлар ёрдамидаги ер текислагичлар ҳамда сув тежовичи технологияларни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди.

Пахта-тўқимачилик кластерлар таркибида бўлган корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, соҳага замонавий технологиялар жорий қилиш орқали экологик мухитга зарар етказмайдиган ва ривожлантиришнинг интенсив усуллардан фойдаланишда кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Замонавий технологияларни қўлланилиши ишлаб чиқариш унумдорлиги, янги бозорларга диверсификация ҳамда мода саноатга таъсир қилиши мумкин бўлган инқилобни бошдан кечирмоқда. Саноат бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларни иш билан таъминлайди ҳамда муҳим савдони амалга оширади. Технологик тараққиёт ўзгариши билан бирга ишлаб чиқарувчилар ўз фаолиятини тартибга солиш ва тўқимачилик маҳсулотларига бўлган истеъмолчилар талабини қондиришга интилмоқда.

Тўқимачилик саноати замонавий технологияларни интеграциялашуви натижасида сезиларли даражада ўзгартирилди, тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг турли босқичларини дизайндан тортиб ишлаб чиқариш ва тарқатишгача трансформация қилинди. Саноатда замонавий технологиялар қўлланиладиган баъзи асосий йўналишлар: (2-расм)



2-расм. Тармоқ корхоналарини янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқишда инновацион технологияларнинг таъсири

Манба: Муаллиф томонидан тайёрланди

1.Дизайн ва протиплаш:

-Компьютерга асосланган дизайн. (CAD) Ушбу дастур таъминоти дизайнерларга тўқимачиликнинг рақамли дизайнерларни яратишга имкон беради, бу эса ғояларни тез протиплаш ва визуализация қилиш имконини беради. Бунда

-3D моделлаштириш: Илғор 3D моделлаш воситалари дизайнерларга тўқимачилик маҳсулотларининг ҳақиқий рақамли протипларини яратишга имкон бериб, ишлаб чиқаришдан олдин дизайнерларни яхшироқ визуаллаштириш ва синовдан ўтказишни осонлаштиради.

2. Барқарор материал ва жараёнлар:

-Биотехнология ва материалшунослик соҳасидаги ютуқлар. Қайта ишланган полиэстер, органик пахта ва бамбук вискоза каби барқарор толаларнинг ривожланишига олиб келади.

-Экологик тоза бўёқлар ва кимёвий моддалар: Тўқимачилик ишлаб чиқарувчилар сув, энергия сарфини ва кимёвий чиқиндиларни минималлаштириш учун экологик тоза бўяш ва пардозлаш жараёнларини ўзлаштирмоқда.

-Рақамли принтер. Рақамли принтер технологиялари анъанавий бўяш усуллари билан солиштирганда сув ва кимёвий моддалар фойдаланишни камайтирадиган тўқимачилик маҳсулотларга ранглар ва нақшларни аниқ ва самарали қўллаш имконини беради.

3. Ақлли тўқимачилик маҳсус кийимлар:

-Бунда электрониканинг интеграциялашуви натижасида амалга оширилиб, тўқимачилик маҳсулотлар кийим ва матоларга сезиш, иситиш, ёритиш ва алоқа каби функцияларни қўшиш учун сенсорлар, актуаторлар ва ўтказгич иплар каби электрон компонентларни ўз ичига олади.

-Технологик кийимлар. Фитнес-трекерлар, ақлли соатлар ва табиий мониторлар каби тақиладиган қурилмалар қулайлик ва мослашувчанлик учун тўқимачилик асосидаги компонентлардан фойдаланилади, бу эса кийим ва аксессуарларга узлуксиз интеграцияни таъминлайди.

4. Автоматлаштирилган робототехника:

-Автоматлаштирилган технологиялар тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг турли босқичларини, жумладан йигирув, тўқув, трикотаж, бўяш ва пардозлаш жараёнларни соддалаштириш ва оптималлаштириш мақсадида фойдаланилади.

-Компьютер томонидан бошқариладиган машиналар: Компьютернинг рақамли назорати (CNC) дастгоҳлари ва дастурлаштириладиган дастгоҳлар тўқимачилик ишлаб чиқаришни аниқ назорат қилиш имконини беради, бу эса тайёр маҳсулотларнинг юқори сифати ва мустаҳкамлигини таъминлайди.

5. Ўтказиб бериш тизими бошқаруви:

-Маълумотлар таҳлили ва моделлаштириш: Тўқимачилик компаниялари таъминот занжири операцияларини оптималлаштириш, олдиндан башоратлаштириш, инвентар харажатларни минималлаштириш ва ишлаб чиқаришни режалаштириш унинг яхшилаш учун маълумотлар таҳлили ва башоратли моделлаштиришдан фойдаланилади.

-Блокчейн технологияси: Блокчейнга асосланган платформалар тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш занжири бўйлаб шаффофлик ва кузатувчанликни таъминлаб, брендлар ва истеъмолчиларга тўқимачилик маҳсулотларининг ҳақиқийлиги, барқарорлик манбааларини текшириш имконини беради.

6. Электрон тижорат ва рақамли маркетинг:

-Онлайн чакана савдо платформалари. Электрон тижорат платформалари тўқимачилик ишлаб чиқарувчилари ва чакана сотувчиларга глобал бозорларга чиқиш ва мижозларга шахсий харид қилиш тажрибасини таклиф қилиш имконини беради.

-Рақамли маркетинг стратегияси. Тўқимачилик брендлари истеъмолчилар билан мулоқот қилиш, маҳсулот инновацияларни намойиш қилиш ва брендга содиқликни шакллантириш учун ижтимоий медиа, таъсирчан хамкорлик ва контент маркетинги каби рақамли маркетинг каналларидан фойдаланади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, жаҳон тўқимачилик саноати шиддат билан ривожланиб бораётган ҳамда глобал рақобат мухити мавжудлигини инобатга олиб тўқимачилик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар инновацион ва автоматлаштирилган технологияларга бўлган талабни юқорилигини сезадилар.

Тўқимачилик корхоналарда замонавий технологияларни жорий этилиши ишлаб чиқаришни самарадорлигини, барқарорлик, инновация ишланмалар билан бирга халқаро бозорларда рақобатбардошлик кўрсаткичларини оширишга олиб келиб, маҳсулотлар ишлаб чиқишини рақамли интеграциялашган ва бошқарувнинг барқарор механизмига айлантирилиши ҳамда вақт (time) менежменти тежалишига ва корхона иқтисодини барқарорлаштириш билан бирга мамлакат экспорт салоҳияти ва географиясини оширишга тurtки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А.Солиев ва З.Хакимовлар “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” “Бизнес-эксперт”журнали 2014 йил 1-сон, 52-57 бет.

2. А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сонг Бе “Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви”. Монография, 2006 йил, 112 бет.
3. Портер М.Международная конкуренция. –М.: Международные отношения, 1993. С.51.
4. Enright, M (1996) “Regional Clusters and Economic Development: A Research Agenda”, in Staber, U., Schaefer, N. And Sharma, B, (Eds). “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”. Walter de Gruyter, p.190-213.
5. Маршалл А. Принципы экономической науки, I-III. Пер. с англ.-М.-Издательская группа “Прогресс”, 1993.
6. П.Бегаттин- Becattini G. From Marshalls to the Italian “Industrial Districts”/ www.competitiveness.org.
7. Коно Т. Стратегия и структура японских предприятий. –М.: Мысль, 1987.-214 с.
8. Новицкий Е.Г. Проблемы стратегического управления диверсифицированными корпорациями М. Буквица, 2001.
9. Porter M.E. On Competition. Boston: Harvard Business School Press, 1998.
10. Ansoff I., Mc Donnell E. Implanting strategic management. Prentice Hall, 1990-568 p.
11. Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительство Пензенской области. Пенза-2013.
12. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” тахлили журнал 2-3/2023 йил 21 бет.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-5853 сонли фармони.

Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali



+998 71 239 28 13

Tashkent, Uzbekistan

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz